

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Ш.Каримов
Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов
Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили13

Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров
Туюқш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш20

КИМЁ

Б.Махкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова
Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш25

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова
Ҳашарот хужайраларини паст ҳароратли муҳитда узоқ муддат сақлашнинг оптимал шароитларини танлаш29

А.Ахунов
Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

К.Тухтабеков
Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари36

У.Жўраев
Советлар даврида таълим тизимини мафкуралаштириш (1950-1980 йиллар)40

Е. Гордеева
Калтаминор маданияти мафкураси тўғрисидаги масалага доир43

И.Раҳимов
Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

А.Ўтамуродов, Б.Турсунов
Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи50

Т.Алимардонов, А.Азимов
Ўтиш даврининг классик модели54

Ф.Мирзаева
Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддия тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари58

И.Тоиров
Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров
Фирдавсий тақдири Хайнрих Хайне талқинида66

Р.Тошниёзова
Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари70

М.Хамидов
Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи75

А.Қаюмов
Уруш – миллий характер кушандаси77

М.Эрназарова
Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари81

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, М.Омонов
Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар85

УДК: 37

СОВЕТЛАР ДАВРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МАФКУРАЛАШТИРИШ
(1950-1980 йиллар)

ИДЕОЛОГИЗАЦИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В СОВЕТСКОЕ ВРЕМЯ
(1950-1980 годы)

IDEOLOGIZATION OF EDUCATION SYSTEM IN THE SOVIET PERIOD
(1950-1980 years)

Ў.Жўраев

Аннотация

Мақолада 1950-1980 йилларда Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилган мафкуравий сиёсат ва унинг салбий оқибатлари хусусида фикр юритилган.

Аннотация

В статье рассматривается идеологическая политика, проводимая системе образования Узбекистана в 1950-1980 годах и её негативные последствия.

Annotation

This article discusses the ideological policies and the consequences of the education system in Uzbekistan within the years of 1950 and 1980.

Таянч сўз ва иборалар: таълим, мафкуравий сиёсат, миллий ўзликни англаш, миллий таълим, байналмилал, «оқ доғлар», моддий таъминот.

Ключевые слова и выражения: образование, идеологическая политика, национальное самосознание, национальное образование, интернациональный, белые пятна, материальное обеспечение.

Keywords and expressions: education, ideological policy, national identity, national education, international, white spots, material support.

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалари ривожланишида таълимнинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Таълим тизимининг замон талаблари асосида юксалтириб борилиши мамлакатнинг келажагини мустақамлаб боришга хизмат қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқ барча соҳалар қатори таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишга ва бу борада туб ислохотларни амалга оширишга тўғри келди. Чунки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ даврида барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимини ҳам мавжуд сиёсий тузум мафкураси измида олиб боришга мажбур қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда фан, маориф ва маданий соҳалардаги нисбатан ривожланишлар кўзга ташланган бўлса-да, буларнинг барчаси буюк давлатчилик сиёсати манфаатлари ва мафкуралаштирилган тизим асосида шакллантириб борилди. Ушбу даврда маданиятга хос, унинг ривожланиши учун муҳим омил бўлган эркинлик, демократия, миллий ўзликни англаш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатлар йўқ қилинди.

Марказдан 1947 йилда юборилган мутлақо махфий (06, 1947, К АА-SS 113, ИК

(003) 47) буйруғида халқ таълими ва олий таълим масаласида куйидагича кўрсатма берилган эди: «Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал, ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлар кимлар ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чегаралаб ўқитилиши керак. Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатлаמידан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин»[1. 392, 510]. Шундан келиб чиққан ҳолда кейинги йиллар мобайнида таълим тизимида ушбу буйруқ асосида сиёсат олиб борилди.

Ушбу йиллар мобайнида республикаимизда умумтаълим, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари сони ҳамда уларда таҳсил олувчилар сони ҳам бир қатор ўсди.

Ў.Жўраев – ЎзР ФА Тарих институти мустақил изланувчиси.

ТАРИХ

Жумладан, 1940-1941 ўқув йилида 5448 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 1 млн. 351,1 минг ўқувчи таълим-тарбия олган бўлса, 1985-1986 ўқув йилида 9188 та умумтаълим мактабида ўқувчилар сони 4 млн. 436,4 минг нафарга, 1940/41 ўқув йилида 98 та ўрта махсус ўқув юртида 25,1 минг, 1985/86 ўқув йилида 246 та ўрта махсус ўқув йилида 281,7 минг нафарга, 1940/41 ўқув йилида 30 та олий ўқув юртида 19,1 минг талаба таҳсил олган бўлса, 1985/86 ўқув йилида 42 та олий ўқув юртида 285,5 минг[2. 296, 304] талаба таҳсил олган. Республикамизда таълим тизимининг ривожлантирилиши яхши, албатта, аммо олиб борилган ислохотлар Ўзбекистон манфаати ва талаблари учун эмас, балки мустамлакачилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилди. Умумтаълим мактабларининг фаолияти, асосан, «ривожланган социализм» ғоясини ўқувчиларга сингдириш, уларни «коммунистик руҳда» тарбиялашдан иборат бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ёшларни «пролетар интернационализи»га, «катта оға»га содиқлик, синфийлик, партиявийлик руҳида тарбиялашдан иборат эди. Миллийлик эса ўзбек мактаблари мазмунидан чиқарила бошланди. Мактаблардаги тарбия Европа ва Россия тарихи мисолида олиб борилди.

Совет ҳукумати «пролетар байналмилалчилигини» амалда кучайтириш мақсадида таълим тизимида рус тили ва адабиётини кенгроқ ўқитишга эътибор қаратди. Хусусан, ўзбек мактабларининг ўқув режасида рус тили учун ажратилган дарс соатлари миқдори ошириб борилганлигини кўриш мумкин. Агар 1935-1936 ўқув йилида рус тили 3-10 синфларда ўқитилиб, унга 528 соат ажратилган бўлса, 1942-1943 ўқув йилидан рус тили 2-синфдан бошлаб ўқитиладиган бўлди ва барча синфларда рус тилини ўрганиш 1402 соатга етди. 1956-1957 ўқув йилида ўзбек мактабларида рус тили дарси 1716 соатга етказилган[3,225]. Шунингдек, олий ўқув юртларининг тарих факультетларида тарих фанига 1100-1500 соат ажратилган ҳолда, Ўзбекистон тарихи қисмига 28 соат ажратилган[4]. Табиийки, бу, ўз навбатида, рус тилини ўқитиш учун ўқитувчи кадрлар, рус тилидаги дарсликлар, методик қўлланмалар сонининг кескин ошиб боришини таъминлаган. Ҳатто, 1986-1987 ўқув йили учун ишлаб чиқилган режада 9-синф ўзбек тили дарсларига ажратилган соат олиб ташланган[5]. Албатта, бундай ҳолатлар ушбу даврдаги айрим зиёлиларнинг норозилигига сабаб бўлган. Жумладан, Тошкент шаҳар

Сергели туманидаги 104-мактаб ўқитувчиси З. Содиқова газета орқали Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига «Нега кейинги пайтларда ўзбек тили ва адабиёти фани учун ажратилган дарс соатлари кўпайиши ўрнига камайиб бормоқда?»[6], деб мурожаат қилган. Мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилини ўқитишга катта эътибор қаратилган ҳолда, ўзбек тилини ўқитиш амалда эътибордан четда қолиб кетмоқда эди. Узоқ вақт мобайнида амалда рус тили ҳукмрон тил бўлиб келганлиги оқибатида ўзбек тилини билмасдан туриб ҳам катта раҳбар бўлиб етишиш, ҳатто диссертация ёқлаш имкони вужудга келди[7]. Чунки юқоридагидек ҳолатнинг пайдо бўлишига мос келувчи шароит яратилган эди.

Газета ва журналларнинг чоп этилишида маҳаллий тилларга кам эътибор берилган. Масалан, республикадаги 46 та журналдан 18 таси, яъни 33,1 фоизи, 16 газетадан 7 таси, яъни 43,7 фоизи ўзбек тилида чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон миллий тилдаги нашрлар бўйича СССРда охириги ўринлардан бирида бўлган[8].

Бу даврда айниқса ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан зўравонлик, уларни коммунистик мафкура «андазаси»га солиш янада кучайди. Ўзбек халқининг бой ўтмиши тарихини, миллий маданиятини, қадриятларини камситиш, уларни сохталаштириш авж олган бўлиб, бу жараёнлар ўз навбатида таълим тизимида ҳам сунъий равишда сингдирилган. Бунга қарши чиққан ёки тарихни холисона ёритишга ҳаракат қилганлар «ўтмишни идеаллаштириш»да айбландилар. «Ўша йилларда қатағон қилинган ва ноҳақ танқид тифига олинган шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, санъат арбобларининг асарларини ўқиш ман қилинибгина қолмай, шу билан бирга ўзбек адабиёти ва санъатидаги бутун бир даврларни ўрганиш ҳам тақиқлаб қўйилган эди»[9,79]. Адабиётда бўлгани каби тарихда ҳам «оқ доғ»лар жуда кўп бўлган. Ўзбек давлатчилиги тарихида улкан из қолдирган буюк саркарда ва давлат арбоблари фаолиятлари ҳам мафкуралаштирилди. Ёшларга таълим беришда буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур босқинчи, зolim, барча хонлар ва амирлар зулмкор сифатида таърифланди. Октябрь тўнтаришигача бўлган ўтмиш қора қилиниб, ундан кейинги давр эса идеаллаштирилди, камчилик ва нуқсонлар оқибатида рўй берган хатоликлардан кўз юмилди. Оқибатда, тарихимизнинг бузиб талқин қилиниши одатий ҳолга айланган эди.

XX аср 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб кўплаб соҳалар қатори тарихни объектив ўрганиш мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фани ўқитилишини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, бир гуруҳ таниқли адиб ва шоирлар томонидан ёзилган мақолада «Мактабларда «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишни тубдан яхшилаш керак... Ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш масалаларини жиддий ўйлаб кўриш лозим»[10]лиги таъкидланади. Чунки XX асрнинг «50-йилларига келиб Олий ўқув юртлари ва ўрта мактаблар учун мўлжалланган тарих дарсликлари, асосан, Россия тарихидан иборат бўлиб қолди»[11]. Оқибатда, ўқувчилар 1878 йилда Хива қандай забт этилгани ҳақида умуман тушунчага эга бўлмаган ҳолда, 1812 йилги Москва ёнғини ҳақида керагидан ортиқ тафсилотларигача гапириб берардилар[12]. Чунки, таълим тизимида олиб борилган сиёсат мафкуравий андазалар асосида шакллантириб борилар эди. Масалан, олий ўқув юртларида мутахассислик бўйича асосий фанларни ўқитишни такомиллаштириш ўрнига асосан коммунистик мафкурани шакллантирувчи КПСС тарихи, марксизм-ленинизм фалсафаси, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм фанларини ўқитиш янада кучайтириб борилди. Албатта, бунда ўқув жараёни учун муҳим бўлган демократик ва ижодий жиҳатлар инкор этилди.

Советлар учун Ўзбекистон аҳолисини саводли қилиш эмас, балки кўпроқ ўз манфаатлари йўлида хизмат қилишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам халқ таълими, ўрта

махсус ва олий таълим соҳаларини маблағ билан таъминлаш қолдиқ принциплар асосида олиб борилган. Шу боисдан улар жуда ночор моддий базага эга эди. Масалан, республикада таълим учун ажратилган капитал маблағнинг ўсиш динамикаси бу фикрни яққол исботлайди. Мисол учун, ушбу соҳага ажратилган маблағлар ҳажми 1960 йилда 282 млн. сўм, 1970 йилда 951 млн., 1980 йилда 925 млн., 1985 йилда 2.619 млн. сўмга тенг бўлган[13, 539]. Ушбу рақамларда гарчи маблағлар ҳажми йилсайин ўсиб бориши кузатилса-да, аммо республикада аҳоли сонининг ўсиб боришига ҳамоҳанг тарзда моддий таъминотга эга бўлмаган. Хусусан, ушбу соҳа тармоқларига сарфланадиган жами харажатларни бирга қўшиб ҳисоблаганда, улар бюджет маблағларининг 2,7 фоизидан ошмас эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу даврда республикамиз таълим тизимида олиб борилган мафкуралаштириш сиёсати натижасида асрлар давомида шаклланган бой тарихимизни, миллий мафкурамизни, урф-одатларимизни миллат онгидан ўчириб ташлаш учун ҳаракатлар олиб борилди. Шунга қарамадан, таълим соҳасидаги ислохотлар миллий зиёлиларимиз томонидан совет мафкураси соясида қолиб кетмаслиги учун жиддий курашлар олиб борилди ва булар изсиз қолиб кетмади.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ давлатимиз таълим тизимида катта эътибор қаратилиб, соҳа ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Бунинг натижаси сифатида таълим тизимида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Адабиётлар:

1. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даври. 3-китоб, –Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даври. 2-китоб. –Т.: Шарқ, 2000.
2. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. / Стат. ежегодник/. –Т.: Узбекистан, 1986.
3. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). 2-китоб. –Т.: Ўзбекистон, 2019.
4. Бегматов А. Очилмаган Амир Темур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1990 йил, 4 август.
5. Дарслик яратилди, лекин ўқитиладими? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1986 йил, 3 октябрь.
6. Золотухин В. Давом этаётир буюк инқилоб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1989 йил, 21 июль.
7. Саломов Ғ., Исомиддинов З. Боқиманда нашрлар ва боқи беғам ноширлар // Ёш ленинчи. -1989 йил, 15 июнь.
8. Ғуломова М.О. Ўзбек зиёлиларининг камолоти. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
9. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1989, 2 июнь.
10. Бегматов А. Очилмаган Амир Темур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1990, 24 август.
11. Даврон Х. Янги фаслларни кутиб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1989, 1 январь.
12. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даври. 2-китоб, –Т.: Шарқ, 2001.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).